

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Қарор ва ижро

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят ҳудудий бўлими томонидан Паркент туманида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳар ва қишлоқларда автобуслар орқали йўловчилар ташиш тизими янада такомиллаштириш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

## TRANСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Унда Халқ депутатлари Паркент ва Оқори Чирчиқ туман кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда ушбу туманларда йўловчи ва юк ташвиш билан шуғулланаётган корхоналар мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда вилоят ҳокимининг мазкур масалага доир қарорининг мазмун-моҳияти, шу асосда белгиланган вазифалар ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар атрофида муҳокама этилди. Тадбирда ҳудудларда йўловчи ва юк ташуви тақилотлар раҳбарларининг бу борада амалга ошираётган ишлари ва истиқболдаги вазифалар

тўғрисидаги ахбороти тингланди. Таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида вилоят ҳудудларида қўшимча автобус йўналишларини очиб, жамоат транспортларини харид қилиш ва янги автостанциялар қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича махсус режа-жадвал ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, 178 та янги автобус сотиб олиниши белгиланган.

Ушбу режа асосида изчил иш олиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳокимлигининг "Тошкент вилоятида 2017-2021 йилларда йўл-транспорт ва инженер-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастури"га асосан Қуйи Чирчиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларида автостанцияларни реконструкция қилиш учун 655 миллион сўм йўналтирилди.

Дастур доирасида Ангрэн, Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Пар-

кент, Оққўрғон, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бекобод, Қибрай, Чиноз, Зангиота ва Бўстонлиқ туманларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш бўйича 42 та янги йўналиш ташкил этиш ва мавжудлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Бўка, Фазалкент, Дўстобод, Оққўрғон, Паркент, Пискент, Тўйтепа, Оҳангарон, Янгийўл ва Қибрай автошўхобекатларини қуриш, мукамал таъмирлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Йиғилишда депутатлар томонидан жойларда назорат пунктлари қуриш, транспорт қатнови шўхбекатларига кузатув камералари ўрнатиш, ҳудудлардаги автотранспорт воситалари ҳаракатланадиган ички йўллари жорий таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича таклифлар билдирилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.

## БИТИРУВЧИНИНГ ИЛК МАОШИ

Ўтган йили коллежни тугатган Шаҳло тумандаги янги очилган тикувчилик корхонасига ишга кирди. Онаси қизининг биринчи маошини кўлига оларкан, қувонч билан дуо қилиб, бошлаган ишига ривож тилаган эди. Ҳозир эса Шаҳлонинг ўзи қатори кўплаб дугоналари, маҳалладаги уй бекалари ҳам Қибрай туманидаги "TEXTILE CHEMICAL SOLUTIONS" масъулияти чекланган жамияти тикувчилик корхонасида меҳнат қилмоқда. Айти пайтда мажмуада 170 чевар тикувчилик, дизайнерлик каби бир қатор йўналишларда табиий толали матолардан болалар ва катталар учун кийим-кечаклар тикишапти.



### Имконият

Тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини экспортга чиқариш бўйича ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ишлаб чиқаришда замонавий ускуна ва жиҳозлар кенг қўлланилаётгани самарадорликни ошириб,

маҳсулот сифати яхшиланишига хизмат қилмоқда. Корхона жамоаси бир ойда ўртача 405 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарапти.

Ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида доимий автобус қатнови йўлга қўйилди. Шунингдек, дам олиш хонаси ва ошхона тикувчилар ихтиёрида.

– Коллежни тамомлаганимдан кейин ота-онам билан маслаҳатлашиб, шу корхонада иш бошладим, – дейди Шаҳло Тоирова. – Айти пайтда қадоқлаш бўлимида кийимларни

жойлаш билан шуғулланаман. Ишимиз жиддий эътибор талаб қилади. Келгусида тикувчилик қабсини яхши ўрганиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашни ҳам мақсад қилганман.

Йил бошида чеварлар жамоаси туман агротехжорат ва Бўстонлиқ туманидаги Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик қасб-хунар коллежи битирувчиларини ишга қабул қилиш юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шунингдек, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйи-

ча ҳам барча шароитлар яратилган. Бўлажак тикувчилар дарсдан ташқари вақтларда маҳалла мутахассислардан амалиёт орқали қасб-хунар сирларини ўрганадилар.

Корхона маъмурияти келгусида ҳудуд аҳолиси учун қўшимча иш ўринларини ташкил қилиш юзасидан тижорат банкининг туман филиали билан янги истиқболли режалар ишлаб чиқди.

Абдулазиз МУСАЕВ,  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.  
Мансур НАХАЛЛОВ  
олган суратлар.

## СИНОВЛАР ОРТДА ҚОЛДИ, ЭНДИ ХИЗМАТТА

Вилоятимизда ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуриви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига биноан йиғитларни мuddатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда.

### Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтган навбатдаги ана шундай маросимда Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлиmlари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар вакиллари, ҳарбийлар, бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бераётгани, осойишталигимиз, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, замонавий қурол-яроғ ҳамда техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллангани, ўғлонлари-

мизнинг ҳарбий хизматга қизиқиши ва интилиши тобора ошиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўз йиғитлик бурчини ўташга отланган қақурилувчилар орасида Ёшлар тизимида Асадбек Алиқулов ҳам бор. Спортнинг бир қатор турлари билан мустақил шуғулланиб келаётган Асад-

бек мактаб ва коллежда аъло баҳоларга ўқиб, тенгдошларига ўрناк бўлди.

– Синовлардан муваффақиятли ўтиб, хизматга отланганимдан хурсандман, – дейди у. – Ниятим – хизматда қомандир ва бошлиқлар томонидан берилган топшириқларни вақтида, талаб даражасида бажариш, билдирилган ишончнинг ҳар томонлама оқлаш, элу юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида садақат билан хизмат қилишдан иборатдир.

Маросимда янграган куй-қўшиқлар иштирокчилар кайфияти янада кўтаринки бўлишини таъминлади.

Мурод САЛИМ.



## КЎМИР САНОАТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

"Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти томонидан пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжумани "Соҳани истиқболли ривожлантириш босқичлари" мавзусига бағишланди.

### Анжуман

Соҳа мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти Бош директори ўринбосари Носиржон Умаров, жамият қурилиш бошқармаси бошлиғи Мирзохид Комиллов ва бошқалар мамлакатимиз аҳолиси, корхона ва ташкилотларга кўмир маҳсулотлари етказиб бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритди.

Таъкидланганидек, қарийб 70 йилдан бери фаолият юритиб келаётган "Ўзбеккўмир" тизимида кейинги йилларда

кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Кўмир саноатини 2017-2021 йилларда ривожлантириш ва модернизация қилиш" бўйича дастур лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, умумий қиймати 690,5 миллион долларлик олтита инвестицион лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Айти кунда қиймати 165 миллион доллар бўлган Ангрэн шахтасини қуришнинг дастлабки техник ва иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда. Бу борадаги ишлар мамлакатимизда 2021 йилгача кўмир қазиб олиш умумий ҳаж-

мини 3,1 баробар ошириш имконини беради.

Маълумотларга кўра, юртимизда 5,7 миллиард тонна атрофида кўмир захираси мавжуд. "Ўзбеккўмир" тасарруфидоги корхоналарда ҳар йили 4 миллион тонна шу турдаги маҳсулот қазиб олинди, энергетика, ижтимоий ва коммунал соҳалар ҳамда аҳолига етказиб берилмоқда.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 84 та кўмир омбори қуриш ва уларни брикет ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилгани, бу ишларга 45,4 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилаётгани алоҳида таъкидланди.

Холамурад САЛИМОВ,  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.

### Маънавият

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёш авлод тарбияси ҳақида гапира туриб, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу ибратли фикрларини жуда топиб айтдилар: "Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб, хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ..."

## ТАРБИЯ ОИЛАДА БОШЛАНАДИ

Таълим даргоҳида давом этади

Илмий тадқиқотларда таъкидланишича, одам ҳаёти давомидаги маълумотларнинг 70 фоизини жуда эрта, яъни болалик йилларида олар экан. Етти ёшигача олган тарбиясига қараб боланинг хулқ-атвори шаклланиб бўлади. Шу боис, ота-онага тарбия борасида катта масъулият юкланади. Бунинг учун, уларнинг ўзлари ҳар жиҳатдан ўрناк бўлишлари, мунтазам китоб ўқишлари, айтган сўзларига амал қилишлари лозим. Алломанинг тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим, деган фикрида жуда катта фалсафий маъно бор.

Давоми 4-бетда. ➡

## БОҒЧА КЎРГАН БОЛА МАКТАБДА ҚОҚИЛМАЙДИ

Ҳаётдан рози бўлиб, хотиржам умргузаронлик қилиш учун одамга, аввало, энг улуг неъмат – тинчлик керак. Осойишталик барқарор экан, барча эзгуликлар, жумладан, қабул қилинаётган қонуни қарорлар ижросини изчил таъминлаб бориш имкониятлари ҳам

кенгайверади. Давлатимиз раҳбарининг барча фармон, қарор ва фармойишлари айнан юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фуқаролар томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинмоқда.

### Қишлоқдан мактаблар

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Қарорининг гоят муҳим ва долзарблиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Зеро, пойдевори нобоб бинонинг мустаҳкам бўлмаслиги кундек равшан.

Мана ҳаётининг бир мисоли. Бизнинг Хондайлиқ ҳам ҳудуди кенглиги, ҳам аҳолиси кўплиги жиҳатидан нафақат Бўстонлиқ тумани, балки вилоятда ҳам энг катта қишлоқлардан бири.

Давоми 2-бетда. ➡



2017 йил учун  
«Тошкент ҳақиқати» ва  
«Ташкентская правда»  
газеталарига обуна  
давом этмоқда!

# ТАДБИРКОРНИ ТИНГЛАБ...

Чиноз туманида тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш ва соҳага оид қонун ҳужжатлари билан таништириб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Жараён

Ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, банк, солиқ ва бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирокида ўтказилаётган тадбирлар фуқароларни ўйлан-териб қилинган масалаларга ечим топишда

самарали бўлмоқда. Тумандаги Чиноз кишлоқ фуқаролар йиғинида таълим этилган навбатдаги учрашув "Тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишнинг қафолатлари" мавзусига бағишланди. Унда

худудда фаолият юритаётган тадбиркорлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари, хотин-қизлар ва ўз бизнесини бошлаш ниятида юрган аҳоли вакиллари қатнашди. Тадбирда Президентимизнинг 2016 йил 5

октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, шунингдек, яратилаётган шарт-шароитлар, ҳуқуқий

қафолатларнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди. Ўтказилаётган бундай учрашувлар, халқ билан яқиндан очиқ мулоқот қилиш жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юзага келган муаммоларни бартараф этиш имконини бериши билан аҳамиятлидир. **Ўз мухбиримиз.**

## БОҒЧА КЎРГАН БОЛА МАКТАБДА ҚОҚИЛМАЙДИ

Хондайлик йирик кишлоқ бўлиш баробарида йил сайин тўрт томонга жуда тез кенгайиб бормоқда. Афсуски, кўришиллар бошланган даврда маҳаллийчилик дардида мубтало бўлган кишлоқ раҳбарлари боғчани ҳамма учун қулай жойга эмас, марказдан жуда олис - энг қуйи ҳудуддаги кимсасиз майдонда қурдирган эдилар. Оқибатда аҳолининг кўпчилиги болаларни боғчага бермади. Устига-устак боғчага ишга жойлашган хизматчилар ўз касбининг мутахассислари эмасди. Шу боис, улар: "Кун ўтса, пул чўнтакка туша бас, иш стажини кетаяпти-ку, мендан кейин нима бўлса бўлавермайди", қабилида иш тутдилар. Бола тарбиясига бундай муносабатнинг охири вой бўлди.

Боғча ёрилди, қаровсиз қолди, бора-бора вайронага айланди. Аслида бир Хондайликда эмас, туманининг кўпгина кишлоқларида ҳам узрили-узриси сабабларга кўра энг муҳим ижтимоий соҳалардан бири бўлиши мактабга таълим муассасалари ачинарли аҳволда тушди. Таълим тизимидаги илк бўгининг қисмати шундай бўлган кишлоқларда болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш янада мурракаб вазифага айланади.

Ўтмишда йўл қўйилган бундай нуқсонлар келажакимиз учун сабоқ бўлмоғи керак. Аввало, ҳар биримиз ўзимизни ҳар томонлама ислоҳ қилиб, шахсиятпарастлик, маҳаллийчилик сингари иллатлардан бутунлай фориғ бўлайлик. Атрофдагилар, айниқса, ёшларга мақбул фазилатларимиз билан ибрат кўрсатайлик.

Оқдид бир ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олишимиз жоиз. Қабул қилинаётган қарорлар фуқаролар, амалга оширилаётган бунёдкорликлар ким учун аслида? Буларнинг бари юрт ободлиги ва эл фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар эканини халқимиз теран англаши лозим. Ҳар бир фуқаро ўзининг холис фикр-мулоҳазаларини дарду ҳасратларини очик-ошкора айтсин, деган мақсадда Президентимиз томонидан жорий йилга "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" дея ном берилди. Энди мулоқотларда фаол иштирок этиб, оммавий ахборот воситаларида долзарб мавзулардаги чиқишлар билан бу каби муаммоларни бартараф қилишимиз лозим.

**Асад АСИЛ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийси.

## Таълим муассасалари ҳаётидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрь кунги маълумотида бир гуруҳ илм-фан намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Фанлар Академияси аъзолари, етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан учрашувини барча зиёлилар катта қизиқиш билан кутиб олди.


## КОЛЛЕЖДА АКАДЕМИК САБОҚЛАРИ

Мамакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш йўлидаги мазкур учрашувдан келиб чиқадиган ҳулосаларни изчил ўрганиш мақсадида вилоятимиз шаҳар ва ту-

манларида очик мулоқотлар ташкил этилмоқда. Бугун мамакатимизнинг ишлаб чиқариш ва аграр тармоқларида инновацион фаолият самардорлигини ошириш, бу

жабҳада илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, илмий-техник салоҳиятга эга ёш кадрларни тарбиялашга катта эътибор қаратилаяпти. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан тизимдаги ўқув муассасаларида ташкил этилаётган амалий-услубий семинарлар худди шу мақсад рўёбига хизмат қилмоқда.

Хусусан, Қуйи Чирчиқ транспорт касб-хунар коллежидан "Олий таълим билан ҳамкорлик доирасида "Ўзгос-шоғирд" тизимининг афзалликлари"



## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ/ВИЛОЯТ ҲАЁТИ/ВИЛОЯТ ҲАЁТИ/ВИЛОЯТ ҲАЁТИ/ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### Ёшлар учун ўқув маркази

Чиноз туманидаги "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини худудда "Покизоҳон" ўқув маркази фаолият бошлади. Маҳаллий тадбиркор Нилуфар Нишонановнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан очилган ушбу марказда худуддаги ёшлар ўзлари қизиққан 16 турдаги касб-хунар йўналишлари бўйича таҳсил олиб, малака оширишлари мумкин. - Очиги, анчадан буён мана шундай ўқув маркази ташкил этиш ниятида юргандик, - дейди Н. Нишонова. - Республикаимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун берилаётган кенг имкониятлар, яратилаётган шарт-шароит ушбу режамани амалга оширишда қўл келди. Туманимиз ёшлари ўзлари танлаган касб-хунар сирларини ўрганиб, ҳаётда ўз йўллариини топишларига ҳисса қўшсам яна бир орузим ушалган бўларди. Айни кунда ушбу марказда йигит-қизлар бухгалтерия, ҳамширалик иши, сарторошлик, қандолатчилик, пазандалик, тикши-бичиш, шунингдек, инглиз ва рус тили каби йўналишлар бўйича ўқишни бошлаб юборганлар.

**Сурайё ҚОСИМОВА.**

### Ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда

Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати акциядорлик жамияти мис эритиш заводида соатига 60-80 тонна махсусланган қайта ишлаш қувағига эга бўлган янги печь сновдан ўтказилаяпти. Германиянинг "Engeneering Dobersek GmbH", "ORMETO-YUMZ" компаниялари, "Элемент курлиш" шўба корхонаси, "Олмалик металлургия курилиш" трести, ихтисослаштирилган таъмир ишлари ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармалари ҳамкорлигида бунёд этилган ушбу ускуна унумдорлиги, эритишни штейн ёки металл даражасига олаётган ҳолда, хом ашёлардаги барча

фойдали компонентларни утилизация қилиш имкониятини юкорилиги билан ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, янги печнинг тўлиқ қувват билан ишлаши заводнинг ҳомақи мис ишлаб чиқариш ҳажмиини йилгага 70 миң тоннагача ошириши мумкин. **Анас ИСРОИЛОВ.**

### Соғлом турмуш тарқиши тарғиботи

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангрэн шаҳар кенгаши ва "Биз соғлом турмуш тарғиботи" акциясининг "Саломатлик посбонлари" кўнгилли ёшлари ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда шаҳардаги 6-умумтаълим мактаби ва кўмир саноати касб-хунар коллежи ўқувчилари иштирок этди. "Эрта туғуруқ ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари" ҳамда "ОИВ/ОИТС, гиёҳвандликка қаршимиз" мавзуларидаги давра суҳбатларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий, ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳақида сўз борди. **Саида ИҚРОВА.**

## 2017 йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшиқлари ҳарбий қисми ташаббуси билан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари иштирокида мамлакатимиз раҳбарининг давлат ва жамият тараққиётига оид фармон ва қарорлари ижроси доирасида очик мулоқот уюштирилди.

## ДИЛДАН СУҲБАТ - КЎНГИЛГА РАҒБАТ

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси мутахассислари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, тиббиёт, бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди. Жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ишга жойлаштириш, никоҳни қайд этиш, тиббий кўриқдан ўтиш, фарзандларга гувоҳнома бериш, рўйхатга туриш борасидаги қонун-қоидалар ва яратилаётган қулайликлар ҳақида сўз борди. **Ўз мухбиримиз.**



## ТАЪЛИМДА АКТ: ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Мамакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет жадал ривожланиб бормоқда. Бунинг самарасини илгор технологияларнинг таълим жараёнига фаол жорий этилаётганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер қурилмалари билан ўқитиладиган тадбирларнинг маънавий-ахлоқий мазмуни ва натижадорлигини тақомиллаштириш мақсадида "2017-2021 йилларда Республика олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дас-тури" ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, бу борада олиб борилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бугун таълим муассасасидаги ўқув хоналари ва мазруза заллари мультимедиа воситалари билан жиҳозланиб, ўқув жараёнида замонавий компьютерлардан фойдаланилмоқда. Талабалар фанлар бўйича маълумотларини интернет орқали масофадан туриб олиш имкониятига эга. Ўқитишнинг бу-услуби талабаларнинг вақтдан самарали фойдаланиши, ўқув материалларини пухта ўзлаштириши ва таълим сифатининг ошишига хизмат қилмоқда.

Бу ҳақида гап борар экан, масаланинг салбий жиҳатларини ҳам эътибордан қочириб бўлмайди. Хусусан, компьютер орқали узоқ вақт мобайнида ишловчи талабада мулоқот лаёқати суяса боради. Натижада, ўзгалар билан мулоқоти чегараланган шахсда диалогик нутқ орқали турли тонфадаги зарур ахборотларни қабул қилиш имкониятига путур этиши

мумкин. Таърибада айнан диалогик нутқ орқали кишида ижодкорлик қобилиятига мойиллик туғилиши фанда ўз исботини топган. Шунингдек, глобал компьютер тармоғи орқали тайёр ўқув материаллари, турли қўлланма, реферат, ҳатто, диплом ишларини ҳам ўзининг фаолиятига мувофиқлаштириб олинган фактлар мавжудки, бу айрим талабаларда ақлий ривожланиш ўрнига танбалдик, ақборотни таҳлил қила олмаслик сингари ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Мухтасар айтганда, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ривожлантириш давр талаби ва уларнинг беистисно барча соҳаларда юксак самара бериши амалиётда ўз исботини топмоқда. **Саодат САЙДУЛЛАЕВА,**  
**Тошкент Давлат иқтисодий университетининг экономика факультетининг кафедра асистенти, Сабоҳат ТАҒРИМОВА,**  
**талаба.**

## «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

# «ЯНА НИМА НИМА ДЕЙСИЗ?»

## ёхуд тарафларнинг бетараф эмаслиги хусусида

Газетамизда Ўрта Чирчиқ туман деҳқон бозори фаолиятига доир танқидий мақола чоп этилган, унда мавжуд муаммо ва камчиликлар тилга олинган эди. (Қаран: "Ким беради-ё "терминал"ни-ё..." "Тошкент ҳақиқати", 2017 йил, 8 февраль).

Мазкур мақола юзасидан "Ўрта Чирчиқ туман деҳқон бозори" МЧЖ раҳбаридан мактуб олдик. Унда қайд этилишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар тадбиркорлар, акциядорлик тижорат "Халқ банк"и туман филиали мутасаддилари иштирокида муҳокама қилинган. Мажлис баённомаси ва йиғилиш қароридан шу нарса англашилдики, ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда, мақолада тилга олинган бир қатор камчиликлар бартараф этилган. Шунингдек, бозорда савдо қилаётган тадбиркорлар банк пластик терминаллари билан таъминлангани. Бу хабардан кейин "Юз марта эшитилган бир марта кўрган яхши", деган ўйда бозорни қайта бориб кўрдик. Дарвоза катта очик, одамлар бемалол кириб чиқаяпти, бозор худуди ва ёндош кўчалар озода, тиқилнч пайдо қилганча савдо қилаётганлар йўқ, бир қадар орасталлик бор...

Нишимиз давомида баъзи тадбиркорлар "Нақди - асал" дегандек, банк терминаллари имкон қадар рад этилишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар тадбиркорлар, акциядорлик тижорат "Халқ банк"и туман филиали мутасаддилари иштирокида муҳокама қилинган. Мажлис баённомаси ва йиғилиш қароридан шу нарса англашилдики, ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда, мақолада тилга олинган бир қатор камчиликлар бартараф этилган. Шунингдек, бозорда савдо қилаётган тадбиркорлар банк пластик терминаллари билан таъминлангани. Бу хабардан кейин "Юз марта эшитилган бир марта кўрган яхши", деган ўйда бозорни қайта бориб кўрдик. Дарвоза катта очик, одамлар бемалол кириб чиқаяпти, бозор худуди ва ёндош кўчалар озода, тиқилнч пайдо қилганча савдо қилаётганлар йўқ, бир қадар орасталлик бор...

Ана шунча гаплар, ҳурматли газетхон. Демокримизки, туман бозоридидаги аҳолини ўнглаш учун ички имконият ва салоҳият мавжуд экан, нега то бу ҳақда матбуот орқали бонг урилганча қадар бирон амалий иш қилинмади, дейишга ҳақлимиз. Халқимизда "Ҳечдан кўра кеч яхши" деган мақол бор. Шу маънода, бозор маъмурияти, банкнинг ўрта Чирчиқ тумани филиали раҳбарларининг кечикиб бўлса-да, мав-

жуд муаммони ўнглашга қилган ҳаракатлари, пировардида, худуд аҳолиси манфаатларига хизмат қилишини, одамларни қанча асабузарлик, дилхиралдан халос этишини таъкидламоқчимиз. Худудни кўздан кечириш асносида мева-чева растасида тадбиркорлар билан суҳбатлашаётган "Ўрта Чирчиқ туман деҳқон бозори" МЧЖнинг эндигина иш бошлаган раҳбари Хушнуд Исмоилов билан юзлашдик. Маълум бўлишича, айни пайтда бозор янги худудга кўчаётган, ҳозирча, кийим-кечаклар растасигина ўз ўрнида қолгани ҳолда, озиқ-овқат ва мева-чева маҳсулотлари савдоси янги жойда йўлга қўйилмоқда экан. "Бозорком"нинг таъ-

кидлашича, Тўйтепа шаҳри вилоятнинг маъмурий марказига айланаётгани боис, кўчалар, марказий майдонлар кенгайишига эҳтиёж туғилияпти. Шунинг учун ҳам бозор эндиликда аввалги ўрнидан узоқ бўлмаган янги худудга - кенг ва шинамасқанга кўчирилмоқда. "Аслида ажратилган янги жой бозоринимиз савдогарлари учун бегона эмас. Чунки, якшанба кунлари бўладиган катта бозор бу ерга сифмаслигини инобатга олиб, аввалдан дам олиш кунлари ўша ерда савдо-сотик йўлга қўйилган эди. Ўзининг кўриб турибсиз, ҳозирги худудимиз кичкина, барча тадбиркорларга жой ажратиб беришга қийналяпти. Бундан ташқари, биноларимиз ҳам таъмирталаб аҳволда, - дейди Х. Исмоилов. - Тўғри, аҳоли дабудурустан янги жойга ўрганиши, бозоримиз илгаригидек гавжум жойга айланиши дастлабки босқичда қийин туолар. Лекин, биз келажакни ўйлаб, шаҳар маъмуриятини кўлаб, бу қарорнинг нақадар одилона ечим бўлганини тушуниб етишимиз керак..."

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**  
**Қобилжон ҚОҒУРОВ**  
(суратлар),  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбирлари.

## Сўраган эдингиз

### ВАСИЯТНОМАЛАР ҚАНДАЙ ТАСДИҚЛанади?

- Ўзимга тегишли бўлган мол-мулк юзасидан васиятнома тасдиқлатмоқчи эдим. Васиятномалар қандай тартибда тасдиқланади, қийинчалик унга ўзгартириш киритиш ёки бекор қилиш мумкинми?

### Шарофжон ҲУРОЛОВ,

Олмалик шаҳри. - Ўзбекистон Республикаси "Нотариат тўғрисида"ги Қонунининг 45-моддасига асосан, нотариуслар муомалага лаёқатли фуқароларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган ва уларнинг ўзлари нотариусга шахсан тақдим этган васиятномаларини тасдиқлайди. Васиятномаларни вакиллар орқали тасдиқлаш йўл қўйилмайди.

Васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди. Мазкур қонуннинг 46-моддасига мувофиқ, нотариуслар, васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза, шунингдек, васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларини рўйхатга олиш реестрига бу хусусда белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзо нотариал шаходатлини лозим.

**Шухрат ЮНУСОВ,**  
Зағиота тумани  
ДНИ нотариуси.



Реклама ва эълонлар

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2017 йил 17 февралдаги 6-сонли Баённомаси қарори билан:**

**Ўзбекистон Республикаси**

**"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан, "ILXOM TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 001119 рақамли лицензиянинг амал қилиш мuddати 2017 йил 17 февралдан тугатилди.**

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Тошкент вилояти: I. Урта Чирчиқ тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан: Урта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган, 1. И/ч. йили номаълум, дав/рак: 10A924DA, бошланғич баҳоси – 6 206 725,18 сўм бўлган, "ГБА СПГ ГАЗ-5327" русумли; 2. 1981 йилда и/ч., дав/рак: 10C640EA, бошланғич баҳоси – 2 580 314,86 сўм бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-2105" русумли; 3. 1983 йилда и/ч., дав/рак: 10D862BA, бошланғич баҳоси – 3 110 416,92 сўм бўлган, "ВАЗ-21033" русумли; II. Янгийўл тумани СИБ томонидан, Янгийўл тумани, "Янгийўл Савдо Файз Барака" МЧЖ омиборида сақланаётган: 1. 1992 йилда и/ч., дав/рак: 11V7534, бошланғич баҳоси – 1 847 463 сўм бўлган, "Фордтаунус" русумли; 2. 1977 йилда и/ч., дав/рак: 11T1218, бошланғич баҳоси – 242 721 сўм бўлган, "Москвич-412" русумли; 3. Янгийўл тумани ТИФ божхона омиборида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 3 599 410 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рак: йўқ бўлган, "ГАЗ 322132 (микротаунус)" русумли; бошланғич баҳоси – 2 908 085 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рак: йўқ бўлган, "ГАЗ 322132 (микротаунус)" русумли; бошланғич баҳоси – 3 214 034 сўм, и/ч., номаълум, дав/рак: йўқ бўлган, "ГАЗ 322132 (микротаунус)" русумли; III. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан, Ангрэн шаҳар "29-сонли автобазаси"да сақланаётган, 1981 йилда и/ч., дав/рак: 10/3955GBA, бошланғич баҳоси – 17 019 333,15 сўм бўлган, "DONGFENG" русумли; IV. Бўка тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан: Бўка тумани ММТП биносидан сақланаётган: 1. 1987 йилда и/ч., дав/рак: 08-66 СО, бошланғич баҳоси – 21 780 000 сўм бўлган, "МТЗ-80" русумли трактор; 2. 1992 йилда и/ч., дав/рак: 28-36 СР, бошланғич баҳоси – 10 267 096 сўм бўлган, "Т25ХУМА2" русумли трактор; 3. 1989 йилда и/ч., дав/рак: 22-74 ЕЮ, бошланғич баҳоси – 26 136

000 сўм бўлган, "МТЗ-80" русумли трактор; Бўка тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган, 1. 1983 йилда и/ч., дав/рак: 10P854HA, бошланғич баҳоси – 4 622 261 сўм бўлган, "ВАЗ-2106" русумли; 2. 1984 йилда и/ч., дав/рак: 10D204AA, бошланғич баҳоси – 5 079 727 сўм бўлган, "ВАЗ-2107" русумли; 3. 1973 йилда и/ч., дав/рак: 10M590CA, бошланғич баҳоси – 1 994 260 сўм бўлган, "ВАЗ-2101" русумли; 4. 1979 йилда и/ч., дав/рак: 10Q168HA, бошланғич баҳоси – 1 224 377 сўм бўлган, "ВАЗ-2102" русумли; 5. Бошланғич баҳоси – 1 100 000 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рак: йўқ бўлган, "Опел вектра" русумли техник носоз автотранспорт воситалари такроран кўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2017 йил 13 март куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион савдосига қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz) сайти орқали онлайн тарзда топишириш ҳам мумкин. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 24 март куни соат 18.00 гача.

Савдога кўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамини шарт: 20208000500433601001, МФО 00445, ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (+99895) 193-01-11. [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz), [bestrealtor@inbox.uz](mailto:bestrealtor@inbox.uz), Лицензия RR-0225.

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30M-14-сонли ижро ҳужжатида асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, "Янги маҳалла"сидаги 9, 12, 20-уй ҳамда "Соз маҳалла"сидаги 1-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 4941,0 кв.м., 2 қаватли ертўлали ва бир қаватли, бинонинг пойдевори-бетон, девори гишт, том қопламаси туника, поли бетон бўлган уйлар (манзилда жами 17 та бино (литер), игна баргли ва берёза дараклари бор) кўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 5 271 537 697 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 23 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz) сайти орқали онлайн тарзда топишириш ҳам мумкин. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 20 март куни соат 18.00 гача.

Савдога кўйилган мулк билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамини шарт: 20208000500433601001, МФО 00445, ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (+99895) 193-01-11. [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz), [bestrealtor@inbox.uz](mailto:bestrealtor@inbox.uz), Лицензия RR-0225.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 27 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 17.10.2016 йилдаги 2-52-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, "Енарик" МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 353,09 кв.м. бўлган "мамурий бино ва иншоотлар" кўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 319 693 398 сўм 70 тиин.

2017 йил 14 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига кўйидаги кўчмас мулклар такроран кўйилмоқда, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган, "Олмаликаноатвентиляция" ШЖга тегишли, жами майдони 520,30 кв.м.дан иборат бўлган кўчмас мулклар, бошланғич баҳоси – 95 952481 сўм. 2. 15.02.2013 йилдаги 597-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган, Литер 0008, Литер 0009, Литер 0013, Литер 0014, Литер 0015, Литер 0016, Литер 0021, Литер 0022, Литер 0023, Литер 0024 иборат ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 17 166 431 сўм бўлган савдо дўконлари. 3. 15.02.2013 йилдаги 597-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Примкулова кўчасида жойлашган, қурилиш тугалланмаган, Литер 0003, Литер 0004, Литер 0005, Литер 0006, Литер 0007, Литер 0010, Литер 0025, Литер 0026, Литер 0027 иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 9 586 437 сўм бўлган савдо дўконлари.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади: Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхта-тилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамини шарт: 20208000504938050001, МФО 00996, ИНН 207125885.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. [www.rgbusiness.uz](http://www.rgbusiness.uz), Лицензия RR-0052.

**"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Савдога Окқўрғон тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 03.01.2017 йилдаги, 11-1605/17752-сонли ижро ҳужжатида асосан кўйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Окқўрғон тумани, Олимкент кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 127-уйда жойлашган, "Олимкент булоғи" МЧЖга тегишли, умумий эгаллаб турган майдони 400,56 кв.м., қурилиш ости майдони 379,16 кв.м. бўлган, 16 хонадан иборат бино-иншоотлар, бошланғич баҳоси – 170 000 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Окқўрғон тумани, Олимкент кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 127-уйда жойлашган, "Акмал" ХФга тегишли, умумий эгаллаб турган майдони 1714,03 кв.м., қурилиш ости ер майдони 949,47 кв.м., 0,49 Га ер майдонида жойлашган, 26 хонадан иборат бино-иншоотлар, бошланғич баҳоси – 80 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 28 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш қунари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни масофадан туриб [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz) сайти орқали онлайн тарзда топишириш ҳам мумкин. Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 24 март куни соат 18.00 гача.

Савдога кўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамини шарт: 20208000500433601001, МФО 00445, ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (+99895) 193-01-11. [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz), [bestrealtor@inbox.uz](mailto:bestrealtor@inbox.uz), Лицензия RR-0225.

**"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Янгийўл тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 10 августдаги 11-1535/7979-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод кўрғонида сақланаётган кўйидаги тракторлар такроран кўйилмоқда: 1. "Кейс-8940" гил русумли, завод рақами 226155 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 39 145 680 сўм. 2. "Кейс-8940" гил русумли, завод рақами 9092379 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 39 145 680 сўм.

II. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан, ЖИБ Чиноз тумани судининг 2016 йил 16 мартдаги 1-17-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, "Daewoo Naser" русумли, давлат рақами 10 N 977 KA бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз ҳолдаги, ранги оқ автотранспорт воситаси такроран кўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 13 038 819 сўм.

III. Аукцион савдосига Ангрэн шаҳар СИБ томонидан кўйидаги автотранспорт воситалари такроран кўйилмоқда:

1. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судининг 2012 йил 26 июлдаги 6184/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "УАЗ-469" русумли, давлат рақами 11 O 9168 бўлган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 1 592 502,53 сўм. 2. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судининг 2015 йил 19 февралдаги 1743/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Матиз" русумли, давлат рақами 10 O 129 AA бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 12 095 888,38 сўм. 3. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судининг 2015 йил 12 майдаги 4364/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "ВАЗ-21060" русумли, давлат рақами 10Y 065GA бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 7 513 682,52 сўм. 4. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судининг 2015 йил 15 майдаги 4365/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Матиз" русумли, давлат рақами 10 B 588 BA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 11 059 221,60 сўм. 5. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судининг 2013 йил 22 январдаги 371/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "Москвич- АЗЛК" русумли, давлат рақами 11V 7739 бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 602 576,19 сўм. 6. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судининг 2015 йил 22 июндаги 6452/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган, "ВАЗ-2107" русумли, давлат рақами 10Y104 JA бўлган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 7 505 818,45 сўм. 7. ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар судининг 2011 йил 3

**2017 йилнинг 24 февраль куни соат 15.00 дан 17.00 гача Тошкент вилояти адлия бошқармаси биносида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбариятининг жисмоний ва юридик шахслар вакиллари иштирокидаги сайёр қабули режалаштирилган.**

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 28 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига кўйидаги автотранспорт воситаси ва мол-мулклар кўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар СИБ томонидан 01.11.2016 йилдаги 11685-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Олмалик шаҳар "Автомобило-хаваскорлар" кўнгилли жамаиатида сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10K674 KA, техник носоз ҳолдаги "ГБА СПГ Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 21 707 970 сўм 64 тиин. 2. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 4941-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Яланғоч посёлкасида жойлашган, "Полимер групп Азия" МЧЖ биносида сақланаётган, "SU90-33" русумли полиэтилен трубалярини ишлаб чиқариш ускунаси, бошланғич баҳоси – 250 000 000. 3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа тумани судининг 27.06.2016 йилдаги 1-2658/16-25779/24-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11-53 EP бўлган, 30 – 4122A русумли занжирли экскаватор, бошланғич баҳоси – 197 520 000 сўм.

2017 йил 13 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига кўйидаги автотранспорт воситалари такроран кўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан хатланган, Оҳангарон тумани "Оҳангаронраҳмонтранссервис" майдончасида сақланаётган: 1. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 07.05.2015 йилдаги 1-157-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10L646FA, техник носоз ҳолдаги, "Ваз-21011" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 1 489 522 сўм 74 тиин. 2. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 25.11.2014 йилдаги 1-387-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10M783JA, техник носоз ҳолдаги, "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 4 646 255 сўм 22 тиин. 3. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 21.01.2015 йилдаги 1-27-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01O056QA, техник носоз ҳолдаги "ГБА СПГ Ваз-21063" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 5 394 371 сўм 63 тиин. 4. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 06.05.2015 йилдаги 1-196-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01561ITD, техник носоз ҳолдаги, "ГБА СПГ ЗА3 FORZA" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 34 487 663 сўм 72 тиин. 5. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 21.04.2016 йилдаги ҳукми ва 1-129-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 100978CA бўлган, "Москвич-2140" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 1 367 769 сўм 80 тиин. 6. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 12.03.2014 йилдаги ҳукми ва 1-46-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 202219BA бўлган, "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 6 896 844 сўм 50 тиин. 7. ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 03.01.2013 йилдаги ҳукми ва 11-230-2-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11G0591 бўлган, "M412ИЭ3" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 2 213 286 сўм.

Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар СИБ томонидан Олмалик шаҳри, Улугбек кўчасида жойлашган, "Давронбек" МЧЖда сақланаётган, 17.06.2016 йилдаги 6123-сонли ижро варақасига асосан хатланган ва таъмирталаб ҳолдаги: 1. 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 496 FAA бўлган, "Маз-504" русумли юк тортувчи автотранспорт воситаси ва 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 0714 AA бўлган, "Маз-9380" русумли ярим тиркама, бошланғич баҳоси – 21 517 000 сўм. 2. 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 511

**UAA бўлган, "Маз-504" русумли юк тортувчи автотранспорт воситаси ва 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 0245 AA бўлган, "ПСП14МТП8" русумли ўза ағдаруви тиркама, бошланғич баҳоси – 23 823 000 сўм.**

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар СИБ томонидан 11.01.2015 йилда 103-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 896 KA бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 31 406 610 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Оқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2017 йил 28 мартдаги аукцион савдоси учун 24 март куни соат 16.00, 13 мартдаги аукцион савдоси учун 10 март куни соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамини шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. [www.agb.uz](http://www.agb.uz). Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44, (+99897) 764-81-86. Гувоҳнома № 04593.

# ТАРБИЯ ОИЛАДА БОШЛАНАДИ

### Таълим даргоҳида давом этади

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллигимизнинг ilk йилларида-ноқ баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатида алоҳида устуворлик касб этди. Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ишлаб чиқилди ва изчил ижро этилмоқда.

Давлат ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялаш учун бутун бир янги таълим тизимини яратиб, уни ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва моддий-техник база билан таъминлаб қўйган. Лекин, салоҳиятли педагогларнинг фаолиятига ҳам кўп нарса боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Агар бир соатлик дарс юксак савияда, қизиқарли қилиб ўтилса, ўқувчи бундай дарсни ҳеч қачон қолдирмайди. Аксинча, ўз фанини яхши билмайдиган, кун ўтиши учун ўқитувчилик қилаётган устознинг зерикари, сийқаси чиққан дарсига уларни мажбурлаб ҳам киритолмайди. Бундай ўқув масканида давомат масаласи ўта аянчли ҳолга тушади. Бу ўринда бошқарув тизимининг таъсирини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Алалху-



сус, қаерда бошқарув суст бўлса, назорат бўшашса, ҳар ким зиммасидаги вазифа билан шугулланмаса, раҳбар ходимлари ва ўқувчилари ўз оила аъзолари каби ардоқлаб, меҳр кўрсатмаса, "сен менга тегма, мен сенга тегмай" қабалида иш тутса, кўзланган мақсадга асло эришиб бўлмайди. Массулиятли раҳбар таълим жараёнини тўғри ташкил этиш учун янги-янги ғоя ва усуллар истида доимо изланиб, ташаббускор ходимларини қўллаб-қувватлайди. Мавжуд моддий-техник базадан самарали фой-

даланиш, уларни ўз вақтида янгилаб бориш ҳам бу жараёнда беқиёс аҳамиятга эга. Мазкур жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, ёшлар таълим-тарбиясига масъул педагог сифатида ҳар кун эрталаб лицейимизда ўқувчи ва ўқитувчилар иштирокида куннинг муҳим воқеалари ҳақида суҳбатлашаман. Ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг кайфиятига, ўзини туттишига, юриш-туришига, кийинишига эътибор бераман. Психология ўқитувчисига ҳам эрталабдан жамоанинг кайфиятини кузатиш, тушкун ҳолатдаги ўқувчини, хо-

димми бўлса, албатта, суҳбатлашиш, дардини эшитиш кераклигини таъинлайман. Шундагина, у ўзининг жамиятда ёлғиз эмаслигини, кимгадир кераклигини, унинг тақдирига бефарқ бўлмаган жамоаси борлигини ҳис этади. Агар уйда, ўқишда ва кўча-кўйда ўқувчи билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса, ўз-ўзидан четдан эътибор, меҳр қидиради ва топади ҳам. Ана шундан эсдан чиқармаслик керак. "Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрил-

маган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғарзли кучлар содда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй хушёрлик ва огоҳлик янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим", - дея Президентимиз барчамизга бирдек масъулият юклайдиган бугунги куннинг ўта долзарб масаласини кун тартибига қўйдилар.

Бинобарин, ёшлар таълим-тарбиясига барчамиз бирдек жавобгармиз. Шундай экан, таълим муассасаси, оила, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий шериклиги тўғри ва мақсадли йўлга қўйилиши зарур. Ёшларнинг қалбига қулқоқ тутишимиз, уларнинг қизиқишларини, муаммоларидан хабардор бўлишимиз, уларга нима кераклигини, аввало, ўзимиз яхши билишимиз лозим. Агар фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан саломатлигига оид муаммоларни биргалашиб ечсак, уларни ёт ғоя ва зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраган бўламиз.

**Раъно ТУРДИБОВА,**  
Қўрай академик лицейи директори.

## ОНА ЮРТ ИЛҲОМЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академиясининг 20 йиллигига бағишлаб, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси фото шўбаси аъзоларининг ҳисобот кўргазмаси ташкил этилди.

### Кўргазма

Таниқли фото усталари қаторида ёш фотографлар ҳам қатнашган кўргазмадан 180 га яқин фотосуратлар ўрин эгаллаб бўлиб, уларда юртимизнинг мафтункор гўшалари, амалий санъат намуналари, тарихий шаҳарларимизнинг меъ-

морий ёдгорликлари, заманимиз неъматлари, маданий ҳаётимиз ва миллий қадриятларимиз акс этган. Тошкент вилоятининг гўзал табии манзаралари маҳорат билан тасвирга туширилган "Кўк сув. Бўстонлик", "Соё",

"Пскомсой", "Жимжитлик. Чорбоғ атрофи", "Қоялар оралиғида", "Ёришиш. Чимён", "Чорбоғ денгизи", "Паркент манзараси" каби фотосуратлар мухлисларда қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмага ўзлари олган суратларни тақдим этган фотографларнинг кўпчилиги Тошкент фото-биеннаселари танловлари ва бошқа нуфузли кўргазмаларнинг голиб ҳамда совриндорлари бўлишган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

## КАВАРДОННИНГ ЛАТИФ МАФТУНИ

Юқори чирчиқлик Латифжон Мансуровни вилоятимиз ижодкорлари яхши танишади. У 2005 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Устозлар хотираси", "Жаннати боболарим", "Сув париси", "Адашган ўқ", "Сўнмас юлдуз", "Умид чироғи", "Яхшилар ёди", "Кавардон мафтунни", "Юрагимга яқин кишилар", "Она бўри изидан" каби ўндан ортиқ китоблари чоп этилган.

### Китобингизни ўқидик

Асл касби иқтисодчи бўлган Латифжон Мансуровнинг адабиётга, ижодга ихлосмандлиги онаси, халқ озаки ижодига меҳр қўйган, ўлан ва лапарлар ижроси Кумрихон Шертой кизидан ўтган. Қолаверса, у туғилиб ўсган Кавардон қишлоғида тез-тез ўтказилиб туриладиган маънавий-маърифий таъдбирлар, уларда Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф каби таниқли шоир ва ёзувчиларнинг иштироки ёш ўспирин қалбига ижод ишқини солган бўлса ажабмас.

"Ўзликни англаш сурури мени доим ёзишга, мудом ижод билан шугулланишга ундаб келди", дейди у. "Устозлар хотираси", "Жаннати боболарим", "Яхшилар ёди" каби китобларига киритилган хикоя ва киссаларида халқимизнинг асрий орзуси - хурлик, ўзликни англаш, ифтихор туйғуларини ифодалангани шундан. "Ўн беш йил давомида ёшлар билан ишлаш манман, - сўзини давом

эттиради у. - Мамлакатимизда одам савдоси, оммавий маданият, аср вабоси каби иллатлар келажак авлод шуурига соя солмасин, дея амалга оширилаётган саёй-ҳаракатларда фаол иштирок этиш жараёнида кўпгина воқеа-ҳодисаларни кузатиб, хулоса чиқардим. "Тузоқ", "Йилгаётган осмон", "Сир" каби саргузашт қисса ва ҳикоялар ёшларимизни ана шу иллатлардан асраш мақсадида ёзилди.

Ҳақиқатан ҳам, ёзувчилик - ҳаётни ўрганиш-у мушоҳада юритиш ва ўз мулоҳазалари, хулосаларини маълум қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда баён этиш дегани. Шу маънода муаллифнинг кўрган-кечирганини тасвирлашга астойдил ҳаракат қилганини олиқлаш керак. Ўзига ҳос изланувчан ижодкор ҳаётининг ҳаётини синчловлик билан ўрганиши, баъзи ўринларда деярли "ипидан-ипнасиғача" тасвирлаши ортиқчадек туюлса-да, уларда одамларни яхшиликка ёндашиб, ёмонликдан қочишига, иллатнинг олди-



ни олишга ундаш нияти борлиги аҳамиятли.

Муаллифнинг янги китоби "Юрт мафтунни" да ҳам ўз халқи, Ватани, юртдошларига бўлган меҳр-муҳаббат сезилиб турибди. Сода, оққўнғил, меҳнатсевар қишлоқдошлари билан ғурурланиши баробарида, боқимандалик, беғамлик иллатлари кўзини кўр қилган одамлар ҳаётини таассуф билан тасвирлайди. "Оила чироғи", "Маҳалламиз момоси", "Хуррият берган беназир неъмат", "Гумон", "Ўч", "Узилган ришта" каби ҳикоялар шулар жумласидандир.

Шу ўринда юқорида тилга олинган китобларга киритилган қисса ва ҳикоялар қизқарли сюжетни билан ўқувчини жалб этади. Аммо, баъзи қиссалар ўхшаш сюжет асосида ёзилгани сезилади. ("Чаён", "Қасам"). Изланувчан, сергайрат муаллиф ижоди китобдан китобга юксалиб, сайқалланиб боришига шончимиз қомил.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
Тошкент ҳақиқати мухбири.

### Спорт

Зангиота туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2001-2002 йилларда турилган спортчилар ўртасида эркин ва юнорум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати саралаш босқичи бўлиб ўтди.

## ПӨЛВОНЛИК-ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Беллашувларда 95 нафар ёш полвонлар ўз кучини синовдан ўтказди. Қизгин ва муросасиз кечган баҳсларда 38 килограммдан 85 килограммгача бўлган вазн тоифасида голиблар аниқланди.

Мусобақада биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган спортчиларимиз 15-17 мартда бўладиган ўсмирлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади, - дейди вилоят эркин, юнорум ва аёллар курашлари Федерацияси раиси Ғулом Умаров. - Шунингдек, голиблар 25-27 февралда Қозғистоннинг Арьсё шаҳрида бўладиган халқаро турнирда ҳам қатнашади.

Беллашувлар якунига кўра, шохсупанинг юқори поғонасидан жой олган курашчиларга ҳомийларнинг эсдалик совгалари топширилди.

**Лазиз ИСОҚОВ.**

### Эълон

## Микрофирма ва кичик корхоналар диққатига!

Микрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон қарори билан тасдиқланган йиллик давлат статистика ҳисоботлари 1-ҚВ shaki ва унинг иловаларини 2017 йил 27 февраль кундан (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар эса 27 март кундан) кечиктирмасдан электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали электрон кўринишда тақдим этишингиз юзасидан оголантириб ўтамыз.

**Маълумот учун бошқарманинг (0371) 230-86-75 (76) телефонлари орқали ёки info@toshvilstat.uz манзилига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Тошкент вилояти статистика бошқармаси.

## ОЛАМ МАҲЛИЁ

Бутун мамлакатда бўлганидек вилоятимиздаги олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларида газал мулкнинг султони Мир Алишер Навоий ҳамда шох ва шоир Мирзо Бобур таваллуд кунларига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, назм ва наво кечалари давом этмоқда.

### Эҳтиром

Маданият ва санъат ар-боблари, адабиётшунос олимлар, таниқли адиб ва шоирлар иштирокида ўтказилаётган бундай тадбирларда талаба ва ўқувчи-ёшлар ҳамда шеъринг ва наср ихлосманд-

лари икки буюк аждоди-мизнинг ҳаёти ва ижоди-нинг янги-янги қирралари билан танишмоқдалар. Шунингдек, талабалар, коллеж ва мактаб ўқувчиларининг ўзлари ҳам ушбу маданий-маърифий тад-

бирларга ҳозирлик кўриш жараёнида аллоамларимизнинг асарлари асосида саҳна кўринишлари тайёрлаб, иштирокчилар эътиборига ҳавола қилмоқдалар.

Жумладан, Юқори Чирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактабида ташкил этилган бадий кечада ўқувчилар намойиш этган саҳна кўринишлари ҳамда газалхонлик тадбирга кўтаринки руҳ бағишланди.

**Мафтунахон СУННАТИЛЛАЕВА.**

### Жиноятга жазо муқаррар

"Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, Умрнинг ҳар дами ғанимат!" Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг ушбу сатрларини ойнаи жаҳондаги мафтунок тасвирлар билан томоша қилиб, она юртимга меҳрим янада ортган. Шеърини роликдаги манзаралар - ойнадек раван йўлдан шитоб билан бораётган автобус, ҳар кунни кўнгли тўқлик билан ишга отланаётган миллионлаб юртдошларимизнинг табассумига тўла чехралари, гўдагига хотиржам боқиб, кўкрак тутган онанинг нигоҳларидаги адоқсиз меҳр, хуллас, кўрган кўзни қувнатиданг фароқбахш лаҳзалар...

Мана шундай лазиз кунларни тахир қилиб, кўёш нурига қора булут бўлини истаган кимсани кўрганда қандай муносабат билдирамиз? Эндигина атак-чечак қадам босаётган фарзандимизнинг яланғ оёғи остига захарли тикан ташламоқчи бўлган бад-нийятга нима деймиз? Ёхуд онажонимиз юрадагидан кўчага атай чакиртош тўқаётган кас ёнидан индамай ўтиб кетаверамизми? Дилда заррача инсофи бор одам бундай ҳолатга томошабин бўлиб туролмаслиги аниқ! Бағрида боламиз камол топадиган, онамиз тисмолига айланган Ватанимизга тиш қайраганларни билиб билмасликка олиб яшаш мумкинми?

Яқинда Чиноз туманида бўлиб ўтган судда айбланувчи Равшан Умаровнинг иқроларини тинглаб, лоқайдликнинг охир-оқибати жиноят эканига яна бир бор амин бўлдик.

Чинозда туғилиб, кейинроқ Бекобод туманида истиқомат қилган Равшан 2012 йилда Ангрэн деҳқон бозорига савдогарлардан қарз бўлиб қолади ва шу сабабли Россия Федерациясининг Пенза шаҳрида ишлайдиган таниши Дониёрга кўнғироқ қилиб, иш

## ЛОҚАЙДЛИК - ВАТАНГА, КЕЛАЖАККА ХИЁНАТДИР

сўрайди. Шу тариқа, Россияга жўнаб кетган Равшанни Пензада Дониёр кўтири олиб, ўзи ишлаётган ёғоч қирқиш цехига жойлаштириб қўяди. Равшан цехда ҳам ишлаб, ҳам ётиб кун кўради. Тўрт ойдан сўнг ҳамкасблари Воҳид ва Бахтиёрлар билан бирга ишдан бўшаб, қурилишга ўтиб кетади. 2013 йилнинг октябр ойида "ишлаш учун рухсатнома"нинг мuddати тугаганиги туфайли автобусда Қозғистон орқали уйга қайтиб келади. Бир ой ўтган яна келган йўли орқали Пенза шаҳрига отланади.

Маълум мuddат қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан банд бўлган Равшан ҳаётида саргардонлик бошланади. Ахир, топган пули ижара ҳақини ҳам қопламай қолади. Чорасиз аҳволда таниши Музаффардан бошлана сўрайди. Музаффар билан бирга Бўстонлик туманидан бўлган Музаффар, Бунёд, Элёр ва қўқонлик Баҳодирлар бир хонада исти-

қолат қилишаркан, ҳамма кўрғилик мана шундан бошланади...

Баҳодир Турсунов ҳам-хоналарини мунтазам намоз ўқишга, соқол ўстириб юришга даъват этади. Ҳатто, 8 март байрамини "фоҳишлар кўни" дея лаънатлаб, "Ўзбекистонда диний эркинлик йўқ, масжидлар ёпиб ташланапти" қабилдаги асосиз гапларни тинимсиз такрорлайди. Шунингдек, интернет тармоғида ҳамда қўл телефонида Ироқ ва Сурияда қонхўр жангарилар содир этаётган вилдериликлар акс этган видеороликларни муттасил кўрсатиб боради. Айрим давлатларда мусулмонлар кофирларга қарши жиҳод қилишгаётганини, тез орада бутун дунёда халифалик ўрнатилишини бот-бот таъкидлайди. Ўзбекистонда ҳам аёллар хи-жабда юришлари шартлигини, эркаклар ўрта асрлардагидек кийиниб, соқол ўстиришлари зарурлигини, жиҳод учун ҳижрат

вайрон этмоқчи-ку! Шунини билиб туриб ҳам индамай кетаверини қандай аташ мумкин? Наҳот, онага қарши кўтарилган қўлни синдириш ўрнига сукут сақлаш, рағбат бериш одамийликка тўғри келса?

Баҳодир Турсунов каби чаласавод жоҳилларга Ўзбекистон ислом маданияти пойтахти эканлигини, йил сайин овоз диёримизда баҳридилни очадиган масжидлар қад ростлаётганини, юртимизда диний бағрикенглик ҳукмронлигини, минглаб ўзбекистонликлар ҳар йили муқаддас ҳаж зёратини эмин-эркин амалга ошираётганини айтиш учун, албатта, олим бўлиш шарт эмасдир! Бунинг учун Ватанимиздаги ўзгаришларга очик кўз билан қараб кўрайдим!

Шу ўринда ҳазрат Алишер Навоийнинг ибратли даъвати ёдимизга тушади: *Ҳар нафасинг холидан огоҳ бўл, Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл!*

Қанийди, асрлар қари-дан келаятган бу огоҳлик кўнғирогининг харанги барча қалбларда акс-садо берса! Мудраб ётган лоқайдлар қалбини уйғотиб юборса!

Жиноят ишлари бўйича Чиноз тумани суди Равшан Умаровга тегшлики жазо белгилади. Жиноятни билиб туриб ошкор қилмаслик, лоқайдлик - келажакка, она Ватанга хиёнат сифатида жазога лойиқ эканини асло унутмайлик!

**Ш. РҶЗИМУРОВА.**



## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 22 февраль кун Тошкентда ҳаво ўзгаришлари бўлмайди, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6 даража совуқ, кундузи 6-8 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгаришлари бўлмайди, ёғингарчилик бўлмайди. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгаришлари бўлмайди, ёғингарчилик бўлмайди. Қор қўниши ҳавфи бор. Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир  
вазифасини бажарувчи  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**  
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта: thaqiqat@uamail.uz

Телефонлар:  
Қабулхона: 233-58-85 (факс)  
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10  
Котибият: 233-79-96  
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08  
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59  
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таърифи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Сайёра РИХСИЕВА**  
Назоратчи мусаҳҳиж  
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ**